

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Qx42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ

АБДУМАЛИКОВ ЖАСУРБЕК КУЧКАРОВИЧ

**ТИПИК БЎЗ ТУПРОҚЛАР ШАРОИТИДА ҒЎЗА ЎСИШИ,
РИВОЖЛАНИШИ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИГА ОРГАНОМИНЕРАЛ
ЧИҚИНДИЛАРДАН ТАЙЁРЛАНГАН КОМПОСТЛАРНИНГ
ТАЪСИРИ**

06.01.08 – Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ– 2019

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

Contents of dissertation abstract of (PhD) on agricultural sciences

Абдумаликов Жасурбек Кучкарович

Типик бўз тупроқлар шароитида ғўза ўсиши, ривожланиши ва
ҳосилдорлигига органо-минерал чиқиндилардан тайёрланган компостларнинг
таъсири5

Абдумаликов Жасурбек Кучкарович

Влияние компостов, приготовленных из органо-минеральных отходов, на
рост, развитие и урожайность хлопчатника в условиях типичных
сероземов.....21

Abdumalikov Jasurbek Kuchkarovich

Influence of compost prepared from organic-mineral waste on the growth,
development and productivity of a cotton in the conditions of typical serozem
soils.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works43

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Qx42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ

АБДУМАЛИКОВ ЖАСУРБЕК КУЧКАРОВИЧ

**ТИПИК БЎЗ ТУПРОҚЛАР ШАРОИТИДА ҒЎЗА ЎСИШИ,
РИВОЖЛАНИШИ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИГА ОРГАНОМИНЕРАЛ
ЧИҚИНДИЛАРДАН ТАЙЁРЛАНГАН КОМПОСТЛАРНИНГ
ТАЪСИРИ**

06.01.08 – Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ– 2019

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.4.PhD/Qx231 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Самарқанд ветеринария медицинаси институтида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.cottonagro.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим портали (www.ziynet.uz) манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Холиқулов Шоди Турдиқулович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Назаров Ренат Саидович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Ниязлиев Бегали Ирисолиевич
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот:

Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Qx.42.01 рақамли Илмий кенгашнинг «_____» _____ 2019 йил соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й., ЎзПИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел. (+99878) 150-62-84; факс: (+99878) 150-61-37; e-mail: piim@agro.uz)

Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й., ЎзПИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел. (+99878) 150-62-84; факс: (+99878) 150-61-37; e-mail: piim@agro.uz)

Диссертация автореферати 2019 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Ш.Н.Нурматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор

Ф.М.Хасанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.н., профессор

Ж.Х.Ахмедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё деҳқончилигида органик маҳсулот етиштириш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, унинг хоссаларини яхшилаш ҳамда қишлоқ хўжалик экинларининг озика режимини мақбуллаштиришда органик ўғитлар, хусусан компостлардан кенг фойдаланилмоқда. Қишлоқ хўжалигида турли компонентли компостлардан самарали фойдаланиш бўйича АҚШ, Россия Федерацияси, Хитой, Япония, Ҳиндистон ва Австралия каби давлатларда юқори натижаларга эришилмоқда¹. Компостлар тупроқни гумус ва бошқа озика моддалари билан бойитади, унинг агрофизикавий, агрокимёвий хоссаларини яхшилади, атроф-муҳитнинг зарарланишини камайтиради, шунингдек, экинлардан юқори ва сифатли ҳосил олишга хизмат қилади.

Дунёнинг бир қатор давлатларида фосфогипсли компостлардан унумдорлиги паст ва шўртоб тупроқларда мелиорант ва ўғит сифатида фойдаланиб, юқори натижаларга эришилмоқда. Шу нуқтаи-назардан турли органик чиқиндилар (гўнг, торф, хазонлар, маиший чиқиндилар) ва бошқа копонентлар асосида компостлар тайёрлаш, технологиялари такомиллаштирилмоқда. Компостларнинг тупроқни агрокимёвий, агрофизикавий, микробиологик хоссаларига таъсирини илмий асослаш, тупроқ унумдорлигини тиклаш ва ўсимликнинг озика моддаларни ўзлаштиришини яхшилаш ҳамда экинлар ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш бўйича изланишлар долзарб ҳисобланади.

Паррандачилик корхоналари чиқиндиси гўнг, чучук сув ҳавзалари чўқиндиси ил ва саноат чиқиндиси фосфогипс муайян ҳудудларда тўпланиб, атроф-муҳит ифлосланишига сабаб бўлмоқда. Республикамизда фосфогипс катта миқдорда Олмалиқ ва Самарқанд минерал ўғитлар ишлаб чиқарадиган заводлар атрофидаги катта майдонда тўпланган ҳамда атроф-муҳитга зарар етказмоқда. Шунинг учун ушбу чиқиндилардан қайта фойдаланиш (утилизация)ни йўлга қўйиш масаласи долзарб бўлмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг 3.3. бандида «...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озик-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада оширишга қаратилган»² муҳим стратегик вазифалар сифатида белгилаб берилган. Шунинг учун товуқ гўнги, сув ҳавзаси чўқиндиси ил ва фосфогипс сингари компонентлар асосида тайёрланадиган компостларни қўллашнинг тупроқ хоссаларига ҳамда ғўза ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш, шунингдек, ижобий натижаларни амалиётга кенг жорий қилиш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб бориш долзарб ҳисобланади.

¹<http://agro.uz/uz/services/recomendations>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 декабрдаги ПҚ-3432-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ходимлари куни» тадбирида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, қишлоқ хўжалигининг мавжуд имкониятларидан янада самарали фойдаланиш, соҳада иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, илм-фан ютуқлари ва инновацион янгиликларни тизимли жорий этиш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 январдаги 25-сон «Фермер хўжалиқларининг ер участкаларидан янада самарали фойдаланиш ва қўшимча даромад олишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикада маиший чиқиндилар, ил, бентонит, маҳаллий ўғитлар ва бошқа чиқиндилардан компост тайёрлаш технологиялари ишлаб чиқилган ва уларнинг тупроқ унумдорлиги ҳамда экинлар ҳосилдорлигига таъсири бўйича М.Тошқўзиев, Ж.Саттаров, Ш.Нурматов, А.Баиров, С.Азимбаев, Б.Ниязалиев, Б.Тиллабеков, Ш.Холикулов, Д.Тунгушова, С.Болтаев, Ш.Ҳазраткулов, А.Сайимбетовлар, хорижий давлатларда эса С.С.Singh, W.Oiwer, P.R.Hesse, R.Apfelhalter лар томонидан илмий-тадқиқотлар олиб борилган.

Лекин, қорамол ва товуқ гўнги, сув ҳавзаси чўкиндиси – ил ва саноат чиқиндиси ҳисобланган фосфогипс асосида компостлар тайёрлаш, ушбу компостларнинг қадимдан суғориладиган типик бўз тупроқлар унумдорлиги, агрокимёвий хоссалари, озиқ моддаларнинг ғўза томонидан ўзлаштирилиши, ғўзани ўсиб-ривожланиши, ҳосилдорлиги ҳамда тола сифатига таъсири бўйича илмий-тадқиқотлар етарлича олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд ветеринария медицинаси институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ҚХА-06-067 «Турли хил органик ва минерал чиқиндилардан компост тайёрлаш технологиясини яратиш ва уни самарадорлигини аниқлаш» (2009 – 2011 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади органик чиқиндилардан товуқ гўнги, чучук сув ҳавзаси чўкиндиси ил ва фосфогипс асосида компост тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда ушбу компостларнинг ғўза ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги, толанинг технологик хусусиятлари ва тупроқ унумдорлигига таъсирини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

товуқ гўнги, ил ва фосфогипснинг кимёвий таркибини ўрганиш;
тайёрланаётган компост сифатига товуқ гўнги, ил ва фосфогипснинг турли нисбатларининг таъсирини ҳамда тайёр компостларнинг кимёвий таркибини ўрганиш;

гўнг, компост, минерал ўғитлар ва уларни биргаликда қўллашнинг тупроқ агрокимёвий хоссаларига таъсирини аниқлаш;

ғўзани биометрик кўрсаткичлари (ўсимлик бўйи, битта ўсимликдаги ҳосил шохлари, барг, шона, гул, тугунча, кўсак ва очилган кўсаклар сони)га ва барг сатҳи, фотосинтез соф маҳсулдорлигига компостларнинг таъсирини ўрганиш;

ғўзанинг озикланиши, ҳосилдорлиги ва ҳосил сифатига компостлар ва минерал ўғитлар ҳамда уларни биргаликда қўллашнинг таъсирини ўрганиш;

ғўза томонидан озик моддаларнинг ўзлаштирилиши ва уларнинг тупроқдан олиб чиқилишини аниқлаш;

ғўза ўстиришдаги минерал ва органик ўғитлар ҳамда компостларнинг суғориладиган бўз тупроқларда иктисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқот объекти сифатида ўрта толали ғўзанинг С-6541 нави, Самарқанд вилоятининг қадимдан суғориладиган типик бўз тупроқлари, компост, фосфогипс, қорамол ва товуқ гўнги ҳамда сув ҳавзаси чўкиндиси илдан фойдаланилган.

Тадқиқот предмети ҳар хил компонентли компостларнинг ғўзанинг озикланиши, ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги, маҳсулот сифати, тупроқ агрокимёвий хоссаларига ҳамда озика моддаларни ўзлаштиришига таъсирини гўнг билан қиёслаб ўрганиш ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Тажрибада барча фенологик кузатувлар, биометрик ўлчашлар таҳлиллар ва ҳисоб-китоб ишлари «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари», «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах» услубий қўлланмалари асосида олиб борилган, компостларни қўллашнинг ғўзадаги иктисодий самарадорлигини аниқлашда «Инструкция и нормативы по определению экономической эффективности удобрений» қўлланмасидан фойдаланилган. Олинган маълумотлар «Методика полевого опыта» (Б.А.Доспехов) бўйича математик-статистик таҳлил қилинган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор товуқ гўнги, ил ва фосфогипс асосида 70:20:10; 60:30:10; 50:40:10 фоизли нисбатларда компост тайёрланган ва уларни ғўза парваришида қўллаш технологияси ишлаб чиқилган;

турли компонент (товуқ гўнги, ил ва фосфогипс) ва нисбатдаги (70:20:10; 60:30:10; 50:40:10) компостларнинг тупроқ унумдорлигига таъсири ва ҳаракатчан озик моддаларнинг мавсумий динамикаси аниқланган;

турли компостлар (Компост-1; Компост-2 ва Компост-3)нинг ғўза барг индекси, фотосинтез соф маҳсулдорлиги ва қуруқ модда тўплашига таъсири,

унинг ўсиши, ривожланиши ҳамда вилт касаллиги билан зарарланиши камайиши аниқланган;

ғўза ҳосилдорлиги ва тола сифатига турли компостлар (Компост-1; Компост-2 ва Компост-3)нинг таъсири, ўсимлик томонидан озик моддалар (NPK)нинг олиб чиқилишига оид янги маълумотлар олинган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Паррандачилик фабрикаси чиқиндиси гўнг, Хишрав кўли чўқиндиси – ил ва Самарқанд кимё комбинати чиқиндиси фосфогипс асосида 70:20:10; 60:30:10; 50:40:10 фоиз нисбатларда компост тайёрлаш технологияси ишлаб чиқилган ва улардан энг самаралиси ишлаб чиқаришга тавсия этилган;

ушбу чиқиндилардан 70:20:10; 60:30:10; 50:40:10 нисбатларда тайёрланган компостларни, Самарқанд вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқларида $N_{250}P_{175}K_{125}$ фонида 30 т/га меъёردа қўллаш тупроқ унумдорлиги, яъни ўзлаштирилувчан NPK микдорини сақлаши ва дастлабки микдорга нисбатан ($NH_4 - 1,9 - 2,6$ мг/кг, $NO_3 - 0,4 - 0,7$ мг/кг, $P_2O_5 - 0,4-1,0$ мг/кг, $K_2O - 35-45$ мг/кг) ошириши таъминланган ва ҳозирда етишмаётган гўнг ўрнини боса олиши исботланган;

тажрибада товук гўнги, ил ва фосфогипс асосида 70:20:10 фоизли нисбатда тайёрланган компостни қўллаш орқали тупроқ озик режими яхшиланганлиги, юқори маҳсулли фотосинтетик потенциалнинг таъминланиши эвазига ўсимликларнинг қулай ўсиши, ривожланиши ва пировард натижада юқори сифатли қўшимча пахта ҳосили олишга замин яратилган ҳамда олинган натижалар фермер хўжаликларида жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда дала ва лаборатория тажрибаларини олиб боришда тасдиқланган услублардан фойдаланилганлиги, олинган маълумотлар математик-статистик таҳлил қилинганлиги ҳамда назарий натижаларнинг амалий натижаларга мос келганлиги, тажрибалар натижаларини маҳаллий ва чет эл илмий-тадқиқотлари билан таққосланганлиги, тўпланган маълумотлар мутахассислар томонидан ижобий баҳолангани ва тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришда жорий этилганлиги, Республика ва халқаро илмий конференцияларда маърузалар қилинганлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда чоп этилганлиги натижаларнинг ишончлилигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ғўзадан юқори ва сифатли ҳосил олишни таъминлаш мақсадида турли компонентлар ва уларнинг қулай нисбатлари асосида тайёрланган компостларни қўллаш орқали тупроқ хоссаларининг яхшиланиши, ғўзанинг ўсиб-ривожланиши мақбуллашиши, ҳосил билан олиб чиқилган озик моддалар бўйича илмий маълумотлар тўпланганлиги ҳамда ҳосилдорликнинг ортиши илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, атроф-муҳит турли чиқиндилардан, яъни паррандачилик корхонаси чиқиндиси гўнг, чучук сув

ҳавзалари чўқиндиси ил ва саноат чиқиндиси фосфогипсдан тозаланганлиги, уларни қулай нисбатларда аралаштириб деҳқончилик учун муҳим ўғит – компост тайёрлаш технологияси яратилганлиги, уларни қўллаш орқали тупроқ унумдорлигининг ошиши натижада қўшимча пахта ҳосили олиш таъминланганлиги ҳамда хўжаликларнинг иқтисодий самарадорлиги сезиларли ошишига эришилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тупроқ унумдорлиги ва ғўза ҳосилдорлигини оширишда турли компонентли компостларни қўллаш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида;

турли компонентли компостларни қўллаш бўйича «Типик бўз тупроқлар шароитида ғўза ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига органоминерал чиқиндилардан тайёрланган компостларнинг таъсири бўйича тавсиялар» тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 18 мартдаги 02/023-192-сонли маълумотномаси). Мазкур тавсиянома Самарқанд вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида деҳқон ва фермер хўжаликларида тупроқ унумдорлигини ошириш ва сақлашда ҳамда ғўзадан юқори ҳосил етиштиришда қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

паррандачилик корхонаси чиқиндиси товук гўнги, чучук сув ҳавзаси чўқиндиси ил ва саноат чиқиндиси фосфогипс асосида 70:20:10; 60:30:10 ва 50:40:10 фоизли нисбатларда компост тайёрлаш технологияси Самарқанд вилояти Пастдарғом туманининг суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида «Ҳалим Хурсанд ХКА» фермер хўжалигида 39 га, «Муҳиддин пахта даласи» фермер хўжалигида 37,5 га, «Синчи пахта ғалла боғи» фермер хўжалигида 43,8 га, жами 121 гектар майдонда жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 18 мартдаги 02/023-192-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида корхона ва сув ҳавзалари чиқиндилардан тозаланиб, экологик муҳит яхшиланишига эришилган;

паррандачилик корхонаси чиқиндиси гўнг, чучук сув ҳавзаси чўқиндиси ил ва саноат чиқиндиси фосфогипс асосида 70:20:10 фоизли нисбатда тайёрланган компостни гектарига 30 тонна меъёрда минерал ўғитлар билан биргаликда қўллаш технологияси Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани типик бўз тупроқлари шароитида жами 121 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 18 мартдаги 02/023-192-сонли маълумотномаси). Натижада гектарига 30 тонна Компост-1 қўлланган майдонларда иқтисодий самарадорлик 3,5–4,5 млн сўм/га ни, рентабеллик даражаси 33–39 фоизни ташкил қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала тажрибалари ҳар йили ЎзҚХИИЧМ ва СамВМИда тузилган махсус апробация комиссияси томонидан кўриқдан ўтказилиб, ижобий баҳоланган, ҳисоботлар институтнинг услубий ва илмий кенгашларида муҳокама қилинган. Диссертация ишининг асосий илмий натижалари республика ва халқаро илмий анжуманларда маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий мақолалар, шундан Ўзбекистон

Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 1 таси хориж журналларида чоп этилган ҳамда 1 та тавсиянома нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида, тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотларнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари келтирилган. Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ҳамда аҳамияти баён этилган. Олинган натижаларни амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлигига ва тупроқ хоссаларига турли органик ўғитлар ҳамда компостларнинг таъсири»** деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича нашр этилган тадқиқот натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили келтирилган, уларга шарҳ берилган. Таҳлилда турли органик ўғитларнинг тупроқ хоссаларига таъсири, турли чиқиндилардан компост тайёрлаш имкониятлари ва компост компонентлари, ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва тупроқ хоссаларига турли чиқиндилардан тайёрланган компостларнинг таъсири баён қилинган.

Диссертациянинг **«Тадқиқот ўтказиш шароитлари ва услублари»** деб номланган иккинчи бобида тажриба ўтказилган ҳудуднинг иқлим шароитлари, тупроқ шароитлари, дала тажрибаси услублари ва компост тайёрлаш технологияси, тажрибада экилган ғўза нави тавсифи келтирилган.

Тажриба ўтказилган йилларнинг ҳаво ҳарорати ғўзанинг вегетация даврида (2012 й.) ўртача 22,6 °С ни ташкил этиб, кўп йиллик маълумотга нисбатан 1,0 °С га юқори бўлганлиги аниқланган. Ҳавонинг нисбий намлиги ғўзанинг вегетация даврида ўртача 45,8% бўлиб, кўп йиллик маълумотларга қараганда 4,6 фоизга юқорилиги ҳисобга олинган. Ёғин-сочинларнинг йиллик миқдори 288,5 мм ни ташкил этиб, кўп йилликка нисбатан 79,1 мм га кам бўлган.

Дала тажрибаси тупроқларининг механик таркиби ўртача қумоқ, остки қисми оғир қумоқли, сувда эрийдиган тузлар жуда кам, тупроқ профили бўйлаб қуруқ қолдиқ 0,030-0,070% ни ташкил этади, гумус миқдори ҳайдов қатламда 1,32%, пастки қатламга томон камайиб боради. Ҳайдов ва ҳайдов ости қатламда ялпи азот мос равишда 0,09 ва 0,06%, пастки қатламда унинг миқдори ҳам камаяди. Ялпи фосфор миқдори 0,144 – 0,141%, калий 2,28 – 2,30% бўлиб, уларнинг энг юқори миқдори ҳайдов қатламида кузатилади. Фосфор ва калийнинг ҳаракатчан шакли мос равишда 23,4–23,0 ва 200–168 мг/кг ни ташкил этади.

Дала тажрибалари Самарқанд вилоятининг эскидан суғориладиган типик бўз тупроқларида 2010–2012 йиллар давомида олиб борилган. Дала тажрибаларида С-6541 ғўза навининг R₂ чигитлари экилиб, худуд учун мақбул туп сони (110-115 минг) таъминланган.

Дала тажрибаларида ҳар йили 10 та вариант 4 қайтариқда системали равишда бир ярусда жойлаштирилган. Битта пайкалнинг эни 4,8 м, узунлиги 50 м, умумий майдони 240 м² ва ҳисобга олинadиган майдон 120 м² қилиб белгиланган. Дала тажрибалари стационар тарзда амалга оширилган.

Тупроқ таҳлилларида гумус миқдори И.В.Тюрин усулида, ялпи NPK битта намунада М.И.Мальцева, Л.П.Гриценко усулида, N–NH₄ Несслер реактиви ёрдамида, N–NO₃ Грандввал-Ляжу усулида, ҳаракатчан фосфор Б.П.Мачигин усулида, алмашувчан калий алангали фотометрда П.В.Протасов усулида аниқланган.

Ўсимлик таҳлилларида ялпи NPK битта намунада К.Е.Гинзбург, Г.М.Щеглова, Е.А.Вильфиус усулида, толанинг технологик кўрсаткичлари вилоят худудий «Сифат» лабораториясида NVI ускунасида аниқланган.

Тажрибада ғўза поясининг баландлиги (см), бир туп ўсимликдаги барг сони (дона), бир туп ўсимликнинг барг сатҳи (см²), бир туп ўсимликдаги кўсак сони (дона), битта кўсакдаги пахта массаси (г) ҳисобга олинган.

Ҳосилдорлик ҳар бир пайкалнинг ҳисоб-китоб майдонлари бўйича ёппасига териб олиш йўли билан аниқланиб, стандарт намликда гектаридан олинган ҳосилга (ц/га) айлантирилган.

Компост тайёрлаш учун ҳар йили ёнма-ён учта чуқур қазилиб, улар товук гўнги, Хишров кўли чўкиндиси – ил ва Самарқанд кимё комбинати чиқиндиси – фосфогипс аралашмаси билан тўлдирилган. Бунда уччала компост компонентларининг нисбати учта ҳандакда уч хил, яъни товук гўнги ва илнинг уч хил нисбати ўрганилган. Фосфогипснинг оғирлик бирлигидаги улуши учала компостда ҳам ўзгаришсиз – 10% қилиб белгиланган (1-жадвал).

1-жадвал

Компост тайёрлаш технологиясида компонентлар нисбати

Компост тури	Компост компонентлари, %		
	товук гўнги	ил	фосфогипс
Компост-1	70	20	10
Компост-2	60	30	10
Компост-3	50	40	10

Диссертациянинг «Товук гўнги, ил ва фосфогипс асосида тайёрланган компостларни тупроқнинг агрокимёвий хоссаларига таъсири» деб номланган учинчи бобида компост компонентлари ва компостларнинг кимёвий ва агрокимёвий таркиби, компостларнинг тупроқдаги озик моддалар динамикасига таъсири баён қилинган.

Товук гўнги таркибида озик моддалар миқдори жуда юқорилиги, табиий ҳолдаги товук гўнгида органик модда ўртача 40,46%, қуритилган товук гўнгида эса 67,78 фоизни, ялпи азот табиий товук гўнгида 1,62%, қуритилганида 4,24 фоизга тенглиги аниқланган. Табиий ҳолдаги гўнг

таркибида ялпи фосфорнинг миқдори 1,34%, куритилганида эса, 3,57 фоизни ташкил этиши аниқланган. Ялпи калий миқдори товук гўнгида бошқа чиқиндилардан юқори бўлсада, бўз тупроқлардаги ялпи калий миқдоридан бироз пастлиги ҳисобга олинган.

Хишров кўлидан олинган ил таркибидаги органик модда миқдори ўртача 24,8 фоизни, ялпи азот миқдори тупроқдагидан 2-4 марта кўплиги ва ўртача 0,35 фоизни, ялпи фосфор миқдори 0,41 фоизни, ялпи калий миқдори эса нисбатан кам бўлиб, 0,30 фоизни ташкил этиши аниқланган.

Фосфогипс таркибидаги фосфорнинг миқдори 2,00 фоизни ташкил этиши аниқланган. Фосфогипс таркибида кальций оксиди (CaO)нинг миқдорини кўплиги (32,7%) унинг мелиорантлик хусусияти юқори бўлишини таъминлайди. Фосфогипс таркибида олтингурут VI (SO₃) оксиди миқдори 49,58 фоизга тенглиги қайд этилган.

Компост компонентлари таркибида оғир металлларнинг миқдори жуда камлиги, кўпчилик оғир металллар аниқлай олиш даражасида эмаслиги қайд қилинган.

Товук гўнги, ил ва фосфогипсдан тайёрланган компостларда органик модда миқдори Компост-1 да энг юқори (27,96%) бўлиб, иккинчи (25,80%) ва учинчи (23,17%) компостларга қараб органик модда миқдори камайиб бориши аниқланган. Азот миқдори ҳам органик модда миқдори каби ўзгариб, Компост-1 да энг юқори (1,22%), Компост-3 да энг кам (0,90%), ялпи фосфор миқдори компост-1 (1,17%) дан компост-3 га қараб ортиб бориб, компост-3 да энг юқори (1,36%), ялпи калий миқдори эса (0,62; 0,70 ва 0,54%) маълум бир қонуният бўйича ўзгармаслиги аниқланган.

Тайёрланган компостлардаги оғир металлларнинг миқдори, уларнинг тупроқда рухсат этилган энг юқори концентрациясидан анча пастлиги аниқланган.

Тупроқ озик режими, асосан, ҳаракатчан озик моддалар миқдори ва улар динамикаси билан белгиланади. Тажрибанинг ўғитсиз-назорат вариантыда аммоний шаклидаги азот миқдори бутун вегетация давомида 12,8–17,5 мг/кг чегарада ўзгарган.

Компост таркибида товук гўнги улуши ортиб бориши билан унинг таркибида ҳам азот миқдори ортиб борган. Шунинг учун 70% товук гўнгидан тайёрланган компост таркибида 60 ва 50% товук гўнги бўлган компостларга нисбатан тупроқдаги аммоний шаклидаги азот миқдорига кучли таъсир кўрсатган. Ярим чириган қорамол гўнгига нисбатан, компостлар тупроқда аммоний шаклидаги азот миқдорини кўпроқ оширган. Масалан, ўғитсиз – назорат вариантыда тупроқнинг ҳайдов қатламида аммоний шаклидаги азот миқдори 1 июнда 17,0 мг/кг, 1 июлда 15,9 мг/кг бўлган бўлса, N₂₅₀P₁₇₅K₁₂₅–фон вариантыда 32,7; 31,9 мг/кг, 30 т/га гўнг вариантыда 24,9; 23,4 мг/кг, 30 т/га Компост-1 вариантыда эса мос равишда 29,2; 27,1 мг/кг, 30 т/га Компост-2 вариантыда 26,9; 25,3; 30 т/га Компост-3 вариантыда 26,4; 24,7 мг/кг бўлиши аниқланган.

Органик ўғитларни минерал ўғитлар билан бирга қўллаш натижасида тупроқда аммоний шаклидаги азот миқдорининг янада ортиб бориши аниқланган. Масалан, NPK+30 т/га гўнг варианты тупроқлари ҳайдов қатламида 1 июнда 36,7 мг/кг, 1 июлда 32,2 мг/кг бўлган бўлса, бу кўрсаткич NPK+30 т/га Компост-1 вариантыда 40,2; 36,3 мг/кг, NPK+30 т/га Компост-2 вариантыда 38,9; 35,2 мг/кг, NPK+30 т/га Компост-3 вариантыда мос равишда 37,4; 34,4 мг/кг бўлганлиги аниқланган.

Органик ўғитларни, жумладан ярим чириган қорамол гўнги ҳамда товук гўнги, ил ва фосфогипсдан тайёрланган компостларни 30 т/га меъёрида қўллаш тупроқдаги нитрат шаклидаги азот ($N-NO_3$) миқдorigа ижобий таъсир кўрсатган. Ўғитсиз – назорат вариантда тупроқдаги нитрат шаклидаги азот миқдори 1 июнда 21,0 мг/кг, 1 июлда 18,6 мг/кг бўлган бўлса, $N_{250}P_{175}K_{125}$ – фон вариантыда 36,0; 32,8 мг/кг, 30 т/га гўнг вариантыда 29,4; 27,0 мг/кг, 30 т/га Компост-1 вариантыда 35,5; 31,7 мг/кг, 30 т/га Компост-2 вариантыда 33,1; 28,3 мг/кг, 30 т/га Компост-3 вариантыда 34,1; 26,6 мг/кгни ташкил этганлиги аниқланган.

Минерал ва органик ўғитлар биргаликда қўлланилганда, тупроқда нитрат шаклидаги азот миқдори энг юқори кўрсаткични намоён этган. Масалан, NPK+30 т/га гўнг вариантыда нитрат шаклидаги азот миқдори 1 июнда 37,6 мг/кг, 1 июлда 35,7 мг/кг бўлган бўлса, NPK+30 т/га Компост-1 вариантыда 43,6; 42,5 мг/кгни ташкил этган.

Ўғитсиз-назорат вариантда тупроқдаги ҳаракатчан фосфор миқдори эрта баҳордан ёз ойларига қараб ортиб бориб, кейин гўзанинг ўсиши, ривожланиши авж олиши билан ҳаракатчан фосфатлар миқдори камайган, ўсув даври охирида эса улар яна ортганлиги ҳисобга олинган. Минерал ва органик ўғитларни қўллаш натижасида ҳаракатчан фосфор миқдори ўғитсиз-назорат вариантга нисбатан сезиларли даражада ортган. Ўғитсиз – назорат вариантда тупроқдаги ҳаракатчан фосфор миқдори 1 июнда 24,2 мг/кг, 1 июлда 17,2 мг/кг, $N_{250}P_{175}K_{125}$ – фон вариантыда 31,1; 28,0 мг/кг, 30 т/га гўнг вариантыда 26,0; 23,6 мг/кг, 30 т/га Компост-1 вариантыда 29,7; 27,9 мг/кг, 30 т/га Компост-2 вариантыда эса 28,0; 25,3 мг/кг бўлганлиги қайд этилган.

Минерал ўғитлар фонида ярим чириган гўнг ва компостлар қўлланилганда тупроқдаги ҳаракатчан фосфор миқдори янада ортган. Масалан, Фон+30 т/га гўнг вариантыда ҳаракатчан фосфор миқдори 1 июнда 34,3 мг/кг, 1 июлда 31,5 мг/кг бўлган бўлса, Фон+30 т/га Компост-1 вариантыда 40,3; 35,3 мг/кг, Фон+30 т/га Компост-2 вариантыда 38,2; 33,1 мг/кг, Фон+30 т/га Компост-3 вариантыда эса мос равишда 37,0; 32,0 мг/кг бўлганлиги аниқланган.

Таҷрибанинг ўғитсиз – назорат вариантыда тупроқдаги алмашинувчан калий миқдори 200-245 мг/кг бўлиб, эрта баҳордан ёз ойларига қараб ортиб борганлиги, гўза ўсиши ва ривожланиши авж олган вақтда эса пасайиши, ўсув даври охирига бориб яна орта бошлаши аниқланган. Ярим чириган қорамол гўнги ва турли хил чиқиндилардан тайёрланган компостларни қўллаш, тупроқда алмашинувчан калий миқдорини ўғитсиз – назорат

вариантга нисбатан ишонарли ортишига олиб келган. Масалан, ўғитсиз – назорат вариантда тупроқдаги алмашинувчан калий миқдори 1 июнда 245 мг/кг, 1 июлда 210 мг/кг бўлган бўлса, $N_{250}P_{175}K_{125}$ – фон вариантыда 280; 255 мг/кг, 30 т/га гўнг вариантыда 270; 245 мг/кг, 30 т/га Компост-1 вариантыда 290; 250 мг/кг, 30 т/га Компост-2 вариантыда 295; 260 мг/кг, 30 т/га Компост-3 вариантыда 295; 260 мг/кг ни ташкил этганлиги аниқланган.

Минерал ва органик ўғитлар бир-бирининг тупроқдаги алмашинувчан калий миқдorigа бўлган таъсирини кучайтирган. Масалан, Фон+30 т/га гўнг вариантыда тупроқдаги алмашинувчан калий миқдори 1 июнда 325 мг/кг, 1 июлда 290 мг/кг бўлган бўлса, Фон+30 т/га Компост-1 вариантыда 355; 340 мг/кг, Фон+30 т/га Компост-2 вариантыда 375; 340 мг/кг, Фон+30 т/га Компост-3 вариантыда эса 375; 355 мг/кг бўлганлиги аниқланган.

Диссертациянинг «**Ўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига товук гўнги, ил, фосфогипс асосида тайёрланган компостларнинг таъсири**» деб номланган тўртинчи бобда ўзанинг ўсиши ва ривожланиши, ассимиляция юзанинг шаклланиши, қуруқ модда ва фотосинтез соф маҳсулдорлиги, ўзанинг вертициллёз вилт билан касалланиши, ўсимликнинг тупроқ ва ўғитлардан озик моддаларни ўзлаштириши, ўза ҳосилдорлиги ва тола сифатига оид маълумотлар баён қилинган.

Компостларни қўллаш тупроқ унумдорлиги, жумладан, ҳаракатчан озик моддалар миқдори ортиши, ўза ўсиши ва ривожланишига ижобий таъсир кўрсатган. Компост-1 ўза поясининг баландлигига компост-2 ва компост-3 га нисбатан кучлироқ таъсир кўрсатган. Масалан, ўғитсиз – назорат вариантда 1 сентябрда ўза поясининг баландлиги 69,6 см бўлган бўлса, $N_{250}P_{175}K_{125}$ – фон вариантыда бу кўрсаткич 22,9 см, 30 т/га гўнг вариантыда 12,9 см, 30 т/га Компост-1 вариантыда 19,5 см, 30 т/га Компост-2 вариантыда 16,1 см, 30 т/га Компост-3 вариантыда эса 14,4 см юқорилиги қайд этилган. Минерал ва органик ўғитлар биргаликда қўлланилганда ўза поясининг баландлиги янада ортган. Масалан, Фон+30 т/га гўнг вариантыда $N_{250}P_{175}K_{125}$ – фон вариантыга қараганда (1.09) вегетация охиридаги фарқ 14,0 см, Фон+30 т/га Компост-1 вариантыда 21,5 см, Фон+30 т/га Компост-2 вариантыда 17,1 см, Фон+30 т/га Компост-3 вариантыда 14,1 сантиметрни ташкил этганлиги аниқланган.

Ўза поясининг суткалик ўсиши дастлабки таҳлилда 0,40-1,11 сантиметрни ташкил этган бўлса, 1.06–1.07 саналар давомида поянинг суткалик ўсиши 0,65–1,04 см, 1.07-1.08 саналарда эса 0,71–1,40 см бўлганлиги қайд этилган.

Таҷрибанинг ўғитсиз – назорат вариантыда ҳосил шохлар сони 1 августда 9,3 дона бўлган бўлса, $N_{250}P_{175}K_{125}$ – фон вариантыда 6,4 дона, 30 т/га гўнг вариантыда 5,4 дона, 30 т/га Компост-1 вариантыда 6,4 дона, 30 т/га компост-2 вариантыда 5,9 дона, 30 т/га Компост-3 вариантыда эса 5,3 дона кўп бўлганлиги кузатилган (2-жадвал).

Тажрибада компостлар ярим чириган қорамол гўнгига нисбатан ҳосил шохлар сони ортишига кучли таъсир этиши аниқланган. Лекин, минерал ўғитларни органик ўғитлар билан биргаликда қўллаш ҳам ҳосил шохлар сони кескин ортишига олиб келган ва таъсири $N_{250}P_{175}K_{125}$ – фон вариантыга нисбатан кучли бўлган. Вегетация даври охирида ҳосил шохлар сонининг деярли бир хил бўлганлиги, ўсимликларда 14–15 дона ҳосил шох пайдо бўлганда чеканка ўтказилганлиги билан изоҳланади.

2-жадвал

Компостларнинг гўза ҳосил шохлари ва ҳосил элементлари сонига таъсири (2010-2012 йй.)

Т/р	Тажриба вариантлари	Ҳосил шохлар сони, дона		Кўсак сони, дона		Очилган кўсак сони, дона
		1.07	1.08	1.08	1.09	1.09
1	Ўғитсиз-назорат	7,4	9,3	6,6	11,1	7,3
2	$N_{250}P_{175}K_{125}$ – фон	9,4	15,7	10,6	17,7	9,4
3	30 т/га гўнг	9,0	14,7	8,1	14,6	8,5
4	30 т/га Компост-1	9,9	15,7	9,1	15,7	9,5
5	30 т/га Компост-2	9,3	15,2	8,5	15,0	8,9
6	30 т/га Компост-3	9,0	14,6	7,9	14,4	8,5
7	Фон+30 т/га гўнг	10,9	15,6	13,2	21,0	11,2
8	Фон+30 т/га Компост-1	11,7	15,5	13,5	22,3	13,1
9	Фон+30 т/га Компост-2	11,5	15,4	13,0	21,3	12,0
10	Фон+30 т/га Компост-3	11,3	15,4	12,9	20,9	11,2

Ўғитсиз – назорат вариант тупроқларида ҳаракатчан озик моддалар миқдорининг камлиги сабабли, ўсимликдаги кўсаклар сони ҳам кам бўлганлиги аниқланган. Бу ҳолат, барча кузатиш муддатларида ва тажриба йилларида қайд этилган. Минерал ва органик ўғитлар, айниқса, компостлар қўлланилгандан кейин тупроқ озик режимининг мақбуллашиши, гўзанинг озикланишининг кучайиши натижасида кўсак пайдо бўлишида ижобий натижалар кузатилди. Компост таркибида товуқ гўнги улушининг ортиши ва ил миқлорининг камайиши билан кўсаклар сонига бўлган таъсири кучайиб борган. Масалан, ўғитсиз – назорат вариантда кўсаклар сони 1 сентябрда 11,1 дона бўлган бўлса, $N_{250}P_{175}K_{125}$ – фон вариантыда 17,7 дона, 30 т/га гўнг вариантыда 14,6 дона, 30 т/га Компост-1 вариантыда 15,7 дона, 30 т/га Компост-2 вариантыда 15,0 дона, 30 т/га Компост-3 вариантда эса 14,4 дона бўлганлиги аниқланган.

Органик ўғитлар минерал ўғитлар фонида қўлланилганда гўза ўсимлигидаги кўсаклар сони янада ортган. Масалан, Фон+30 т/га қорамол гўнги қўлланилган вариантда кўсаклар сони 1 сентябрда эса 21,0 дона бўлган бўлса, Фон+30 т/га Компост-1 вариантыда 22,3 дона, Фон+30 т/га Компост-2 вариантыда 21,3 ва Фон+30 т/га Компост-3 вариантыда 20,9 донани ташкил этганлиги қайд этилган.

Ўсимликларнинг ўсиш, ривожланиш даврларида тажрибада ўрганилган омилларнинг таъсирида улардаги барглари сони, юзаси турли миқдорда бўлиши ҳисобга олинган.

Ўсимликнинг ялпи ҳосил тўплаш даврида барг сони вариантлар бўйича 50–72 донани, уларнинг ассимиляция юзаси 3450,0–5400,0 см² ни ташкил этиб, ўғитсиз-назорат вариантда ўстирилган ғўзаларда бошқа вариантларга нисбатан барг сони 10-12 дон кам ва ассимиляция юзаси 1197,5–1950,0 см² га кичик бўлган. Бу даврда, энг кўп барг ва ассимиляция юза ҳосил қилган ғўзалар Фон+30 т/га Компост-1 вариантыда бўлганлиги аниқланган.

Тажрибанинг ўғитсиз-назорат вариантыда ўстирилган ғўзада гуллаш-ялпи мева туғиш даврида фотосинтез соф маҳсулдорлиги 3,58 г/м²*сутка бўлган бўлса, энг юқори маҳсулдорлик Фон+30 т/га Компост-1 вариантыда, нисбатан юқори маҳсулдорлик эса Фон+30 т/га Компост-2 вариантыда кузатилиб, ўғитсиз – назорат вариантыдагига қараганда 1,90 ва 1,74 г/м²*сутка га кўп бўлган.

Тажрибада органик ўғитларни, жумладан ярим чириган қорамол гўнги ҳамда товук гўнги, ил ва фосфогипсдан тайёрланган компостлар қўлланилганда ғўзанинг вертициллёз вилт билан касалланиши камайган. Бу ҳолат ўсув даврининг барча муддатларида кузатилган. Масалан, ўғитсиз – назорат вариантда 15 июлда ғўза ўсимлигининг 1,85%, 1 августда 3,6%, 15 августда 6,6%, 1 сентябрда эса, 9,9% вертициллёз вилтга чалинган бўлса, N₂₅₀P₁₇₅K₁₂₅ – фон вариантыда 4,15; 6,0; 12,1; 16,3%, 30 т/га гўнг вариантыда юқоридагига мос равишда 1,45; 2,75; 5,55; 8,5%, 30 т/га Компост-1 вариантыда 1,4; 2,5; 5,35; 9,1%, 30 т/га Компост-2 вариантыда 1,4; 2,5; 5,4; 9,0%, 30 т/га Компост-3 вариантыда мос равишда 1,5; 2,5; 5,4; 8,95 фоизни ташкил этган. Минерал ўғитлар фонидан органик ўғитларни, жумладан ярим чириган қорамол гўнги ҳамда товук гўнги, ил ва фосфогипсдан тайёрланган компостларни қўллаш минерал ўғитларнинг ғўзанинг вертициллёз вилт билан касалланишига салбий таъсирини сусайтирган. Жумладан, Фон+30 т/га гўнг вариантыда 15 июль санасида 2,7%, 1 августда 4,45%, 15 августда 9,3%, 1 сентябрда 12,1 фоизни ташкил этган бўлса, Фон+30 т/га Компост-1 вариантыда юқоридагига мос равишда 2,6; 5,25; 9,5; 13,2%, Фон+30 т/га Компост-2 вариантыда тегишлича 2,7; 5,25; 9,35; 13,35 %, Фон+30 т/га Компост-3 вариантыда эса 2,75; 4,9; 9,3; 13,3фоизни ташкил этган.

Ўсимликнинг гуллаш даврида ўғитсиз-назорат вариантыдаги ғўза баргларида умумий азот 2,68%, оксилли азот 1,73 ва оксилсиз азот 0,96 фоизни ташкил этган бўлса, ярим чириган қорамол гўнги 30 т/га меъёрда қўлланилган вариантда тегишлича 3,06; 2,17 ва 0,89%, N₂₅₀P₁₇₅K₁₂₅ – фон вариантыда 3,41; 2,60 ва 0,82%, турли нисбатлардаги компонентлар асосидаги компостлар 30 т/га меъёрда қўлланилган вариантларда эса 3,17–3,37; 2,30–2,55 ва 0,78–0,82%, ушбу компостлар минерал ўғитлар фонидан қўлланилганда эса тегишлича 3,50–3,58; 2,70–2,80 ва 0,80–0,78% бўлганлиги аниқланган.

